

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.05/2025.27.12.B.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ДЕВАНОВА НАРГИЗА МАМАТҚУЛОВНА**

**СУРХОНДАРЁ СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ТУРКИСТОН  
ЛАҚҚАЧАСИНИНГ (*GLYPTOSTERNON OSCHANINI* HERZENSTEIN,  
1889) МОРФОЛОГИК ВА ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Деванова Наргиза Маматкуловна**

Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачасининг (*Glyptosternon oschanini* Herzenstein, 1889) морфологик ва экологик хусусиятлари ..... 3

**Деванова Наргиза Маматкуловна**

Морфологические и экологические особенности туркестанского сомика (*Glyptosternon oschanini* Herzenstein, 1889) в водоёмах Сурхандарьи ..... 21

**Devanova Nargiza Mamatqulovna**

Morphological and ecological features of the Turkestan catfish (*Glyptosternon oschanini* Herzenstein, 1889) in the reservoirs of Surkhandarya ..... 39

**Е'lon qilingan ishlar ro'yxati**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.05/2025.27.12.B.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ДЕВАНОВА НАРГИЗА МАМАТҚУЛОВНА**

**СУРХОНДАРЁ СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ТУРКИСТОН  
ЛАҚҚАЧАСИНИНГ (*GLYPTOSTERNON OSCHANINI* HERZENSTEIN,  
1889) МОРФОЛОГИК ВА ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/В1028 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаев Улугбек Тўраевич**

биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Камилов Бахтияр Ганиевич**

биология фанлари доктори, профессор

**Жумабаев Баходир Ережепович**

биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Б.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «17» март соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup>-уй, Зоология институти мажлислар зали Тел.: (+99871) 289-04-65; факс: (+99871) 289-10-60; E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1737-AR рақами билан рўйхатга олинган). (100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup>-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65).

Диссертация автореферати 2026 йил «2» март куни таркатилди.

(2026 йил «2» мартдаги №3-рақамли реестр баённомаси).



**Б.Р. Холматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**Г.С. Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзо-ишрафкори, б.ф.д., профессор

**А.Э. Кучбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида глобал иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасининг ошиши, сув экотизимларининг бузилиши, биологик хилма-хилликни қисқаришига, ноёб турларнинг кескин суръатларда камайишига олиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Дубайда (БАА) бўлиб ўтган COP28 халқаро иқлим саммитида Табиатни Муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМХИ) томонидан тақдим этилган Қизил рўйхатининг янгиланган вариантыга кўра, иқлим ўзгариши чучук сув балиқларининг 25 фоизининг йўқолиб кетиши хавфи остида қолишига таҳдид солмоқда<sup>1</sup>. Айниқса, иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган омиллар балиқларнинг яшаш жойлари, сони, захираларининг қисқариши ва нобуд бўлишининг асосий сабаби – сув ҳавзаларининг ифлосланишини янада кучайтирмоқда. Шунга кўра, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, турларини таснифлаш, уларнинг яшаш муҳитини ўрганиш ва тиклаш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни муҳофаза қилиш ва мониторингини ўтказишнинг янги услубларини яратиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда атроф-муҳитни экологик жиҳатдан соғломлаштириш, балиқлар хилма-хиллигини сақлаб қолиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни табиий яшаш шароитларидаги ҳолатини баҳолаш, уларни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан сув ҳавзалари балиқлари фаунасининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, уларнинг камёблик мақоми ва йўқолиб кетиш хавфини белгилаш, тарқалиши, ҳисоби ва кадастрини юритиш, балиқлар хилма-хиллиги ресурсларидан барқарор фойдаланишни таъминлашга қаратилган технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар муҳофазасини кучайтиришга ҳамда сонини тиклашга, турларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш мезонлари, йўқолиб кетиш хавфи даражасини акс эттирувчи тоифаларини яратиш, биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраши суръатларини пасайтириш, камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонида<sup>2</sup> «Иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш, биологик хилма-хиллик ишончли сақланишини таъминлаш» мақсад ва вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, сув ҳавзалари

<sup>1</sup> <https://www.un.org>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

ихтиофаунаси ҳолатини баҳолаш, турларнинг камёблик мақоми ва йўқолиб кетиш хавфини белгилаш, тавсифлаш, давлат ҳисоби ва кадастрини юритиш, балиқлар хилма-хиллиги ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан барқарор фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2939-сонли қарори, 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4005-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 719-сонли қарори, 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 19 декабрдаги 1034-сон «Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турларининг морфо-экологик хусусиятлари, уларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш, яшаш жойларини муҳофаза қилиш борасида хорижлик олимлар: J.D.Allan, A.S.Flecker (1993), A.Ricciardi, J.B.Rasmussen (1999), H.Powles *et al.* (2000), M-Но.Jang *et al.* (2003), S.J.Cooke, I.G.Cowx (2006), C.Lord, P.Keith (2006), R.Clausen, R.York (2008), A.Baisez *et al.* (2011), J.D.Koehn, M.Lintermans (2012), U.S.Kumar *et al.* (2013), A.Pinder, R.Raghavan (2013), R.E.Reis *et al.* (2016), J.J.Shelley *et al.* (2018), D.Tickner *et al.* (2020), R.A.Leidy, P.V.Moyle (2021), H.Patricio *et al.* (2023) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

МДҲ мамлакатлари сув ҳавзаларида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турларининг биологияси, морфологик ва экологик хусусиятлари, уларни сақлаб қолиш ва ресурсларидан барқарор фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар Д.С.Павлов ва бошқ. (1994), Ю.С. Решетников ва бошқ. (1997), А.К.Камелов ва бошқ. (2005), П.В.Чашкин (2007), О.И.Кириченко, Е.В.Куликов (2011), В.В.Зиничев ва бошқ. (2012), В.А.Заделёнов (2015), М.Г.Каимов, Р.Х.Гайрабеков (2015), А.Л.Антонов ва бошқ. (2019), В.С.Артамонова ва бошқ. (2020), К.Б.Исбеков (2020) ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Ўзбекистонда сув ҳавзалари ихтиофаунаси, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турларининг ҳолатини баҳолаш, морфологик ва экологик хусусиятларини тавсифлаш ҳамда муҳофаза қилиш йўллари бўйича тадқиқотлар А.Балтабаев (1972), Г.К.Камилов (1973), Л.П.Павловская (1976), Н.И.Сагитов (1983), М.А.Абдуллаев, Д.У.Урчинов (1989), М.А.Абдуллаев ва бошқ. (1997), А.А.Аманов (1985), Б.Хакбердиев (1983; 1994), М.Т.Эргашева (1997), А.Х.Расулов ва бошқ. (2001), У.Т.Мирзаев, В.П.Лим (2003), У.Т.Мирзаев (1998; 2005), М.А.Юлдашов (2019), Б.Г.Камилов (2019), В.Шералиев, Z.Peng (2020, 2021), М.Ш.Атамуратова (2021), А.Қ.Қуватов (2022), S.K.Allayarov (2024) ва бошқа олимларнинг илмий ишларида келтирилган.

Бироқ, юқорида келтириб ўтилган илмий ишлар Сурхондарё сув ҳавзалари камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турлари, тарқалиши, морфологик ва экологик хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, Сурхондарё сув ҳавзаларида тарқалган туркистон лаққачасининг (*Glyptosternon oschanini* Herzenstein, 1889) ҳозирги ҳолатини баҳолаш, морфо-экологик хусусиятларини очиқ бериш, муҳофаза қилиш ва мониторингини ўтказишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Сурхондарё вилояти ҳайвонот дунёси биологик хилма-хиллигини тадқиқ қилиш, идентификациялаш ва уларни муҳофаза қилиш” (2017-2023 йй.) илмий-тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачасининг (*Glyptosternon oschanini* Herzenstein, 1889) ҳозирги ҳолатини баҳолаш, морфо-биологик хусусиятларини очиқ бериш, кадастрини шакллантириш ва муҳофазасини ташкиллаштиришни асослашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачасининг ташқи морфологияси ва морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

*Glyptosternon* уруғига мансуб *Glyptosternon oschanini* турини молекуляр-генетик таҳлил қилиш;

туркистон лаққачасининг ўсиши ва кўпайиш биологиясини тадқиқ қилиш;

туркистон лаққачасининг сони ва урчиш жойларидаги миқдор кўрсаткичларини аниқлаш;

туркистон лаққачасининг ҳолатини миқдорий таркиби, ҳудудий тарқалиши, учраш ва яшаш жойлари бўйича баҳолаш ва кадастрини шакллантириш;

туркистон лаққачаси сонининг камайишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Сурхондарё сув ҳавзаларидаги камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги туркистон лаққачаси олинган.

**Тадқиқот предмети** Сурхондарё сув ҳавзаларидаги камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги туркистон лаққачасининг ташқи морфологияси, морфометрияси, молекуляр-генетик идентификацияси, ёши, ўсиш суръатлари,

вояга етиши, серпуштлиги, ҳисоби, миқдори, кадастри ва муҳофаза чоралари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ихтиологик, қиёсий таҳлил, молекуляр-генетик ва вариацион-статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачасининг ташқи морфологияси тавсифланган ва молекуляр-генетик таҳлил қилинган, морфометрик белгиларнинг кам ва қисман ўртача даражадаги ўзгарувчанлиги вариация коэффицентларида намоён бўлиши исботланган;

камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги туркистон лаққачасининг вояга етиши, урчиши, серпуштлиги ва ўсиш хусусиятлари очиқ берилган;

туркистон лаққачасининг мутлақ серпуштлиги балиқнинг ёши, тана узунлиги ва вазнининг ортиши асосида ошиб бориши, бунда нисбий серпуштликнинг ошмаслиги корреляцион таҳлил ва регрессия тенгламаси асосида исботланган;

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги туркистон лаққачасининг ҳолати – миқдорий таркиби, ҳисоби, худудий тарқалиши, учраш ва яшаш жойлари бўйича баҳоланган ва муҳофаза чораларини қамраб олувчи кадастри шакллантирилган;

Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачаси сонининг камайишига таъсир этувчи омиллар аниқланган, уларни муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

туркистон лаққачаси генофондини сақлаб қолиш мақсадида унинг табиий кўпайишини сунъий кўпайтириш билан тўлдириш ҳамда балиқлар ҳаёт циклида муҳим аҳамиятга эга бўлган жойларда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларни ташкил этиш зарурати асосланган;

*Glyptosternon* уруғига мансуб *Glyptosternon oschanini* тури молекуляр-генетик таҳлил қилиниб, нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар NCBI базасига жойлаштирилган;

камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги туркистон лаққачаси хатловдан ўтказилган, мониторинги олиб борилган ва кадастри тузилган, яшаш муҳитини сақлаб қолиш, кўпайтириш, ҳимоя қилиш ишларини ташкил этишни таъминловчи маълумотлар Миллий геоахборот тизимига киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда классик ва замонавий тадқиқот усуллариининг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат амалий лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, маълумотлар корреляцион, регрессион ва статистик таҳлил қилинганлиги ва амалий натижаларнинг ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган заиф, қисқариб бораётган туркистон лаққачаси популяциясининг

замонавий ҳолати баҳоланганлиги, ташқи морфологияси тавсифланганлиги, морфометрик белгиларнинг ўзгарувчанлик хусусиятларининг очиб берилганлиги, молекуляр-генетик таҳлил қилинганлиги, вояга етиши, ўсиши ва репродуктив хусусиятлари тавсифланганлиги ҳамда муҳофаза чоралари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган туркистон лаққачаси популяциялари генофондини сақлаб қолиш учун табиий кўпайишини сунъий кўпайтириш билан тўлдириш, балиқларнинг ҳаёт циклида муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий жойларда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, уларнинг репродуктив маҳсулотларини криоконсервациялаш усулларини ишлаб чиқиш ва кейинчалик криобанкларда сақлаш чораларини ташкил этишга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачасининг (*Glyptosternon oschanini* Herzenstein, 1889) морфологик ва экологик хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачасининг морфологик ва экологик хусусиятлари ҳамда кадастри юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Сурхондарё вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил 27 мартдаги 03-03/3-2879-сон маълумотномаси). Натижада, кадастр маълумотларини геоахборот тизимига киритишга асос бўлган, шунингдек, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги туркистон лаққачасини яшаш муҳитини сақлаб қолиш, кўпайтириш ва ҳимоя қилиш ишларини ташкил этишга имкон яратган;

Сурхондарё ҳавзаси Хўжаипок дарёсидаги Sisoridae оиласига мансуб, *Glyptosternon oschanini* турининг mtDNK (COXI) соҳаси нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича маълумотлар Биотехнологик ахборотлар миллий маркази (NCBI) базасига (<https://www.ncbi.nlm.nih.gov>) жойлаштирилган (Биотехнологик ахборотлар миллий марказининг 2025 йил 19 августдаги маълумотномаси). Натижада, *Glyptosternon oschanini* – PX121650 тури учун идентификация рақами олинган ва улар халқаро миқёсда турларни аниқлаш ва филогениясини ўрганиш имконини берган;

Сурхондарё сув ҳавзалари ихтиофаунасига кирувчи Siluriformes туркумига тегишли бўлган 1 турга мансуб 5 та балиқ намуналари республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2024 йил 12 февралдаги 4/1255-313-сон маълумотномаси). Натижада, муҳофаза этиладиган турлар тўғрисидаги маълумотлар базаси тўлдирилган, республиканинг тоғ дарёларида учрайдиган балиқ турлари фонди янги намуналар билан бойитилган ва уларни популяцияларининг замонавий тарқалиш ҳолатини баҳолаш ҳамда кадастр маълумотларини тайёрлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан

ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия қилинган журналларда 9 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби, кириш, 4 та боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурхондарё сув ҳавзалари ихтиофаунасининг ўрганилганлик ҳолати**» деб номланган биринчи бобида Сурхондарё сув ҳавзаларининг ихтиофаунасини ўрганилиш тарихи бўйича маҳаллий ва хориж олимларнинг ихтиологик тадқиқотлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Сурхондарё сув ҳавзалари ихтиофаунаси, балиқларнинг тарқалиши, морфологик ва экологик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ҳар томонлама мукамал ва кенг миқёсда олиб борилган бўлсада, аммо, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги балиқ турлари, тарқалиши, морфологик ва экологик хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди.

Диссертациянинг «**Сурхондарё хавзасининг қисқача табиий географик тавсифи, тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб, унда Сурхондарё воҳаси ва унинг табиий географик хусусиятлари, сув ҳавзаларининг гидрологик тавсифи, тадқиқот материаллари ва усуллари, маршрут ва стационар тадқиқотлар ўтказилган жойлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида Сурхондарё сув ҳавзалари йирик ирмоқлари Сангардақдарё, Тўпалондарё ва Хўжаипок дарёларининг гидрологик ҳолати, геоморфологик жиҳатдан жойлашганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бобнинг 2.2-бўлимида Сурхондарёнинг йирик ирмоқлари Сангардақдарё, Тўпалондарё ва Хўжаипок дарёларида учровчи туркистон лаққачасининг биологияси ва экологиясини тадқиқ қилиш бўйича йиғилган материаллар ва қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқод учун материаллар 2007-2024 йилларда баҳор, ёз, куз ойларида Тўпалондарё, Сангардақдарё ва Хўжаипок дарёларининг тоғ ва тоғ олди оқими қисмларидан йиғилди. Балиқларни овлашда узунлиги 4 м, катак ўлчамлари 18 мм бўлган камон тўр, узунлиги 3 м, катак ўлчамлари 22 мм бўлган тортма тўр ҳамда

ихтиологик кўл тўридан (диаметри 50 ва 80 см) фойдаланилди. Тутилган балиқлар ҳисобланди ва сўнгра табиий яшаш жойларига қайтарилди.

Материалларни йиғиш ва қайта ишлаш И.Ф.Правдин (1966), Е.А.Зиновьев, С.А.Мандрица (2003), В.И.Романов ва бошқ. (2012) усуллари ёрдамида амалга оширилди. Балиқ намуналарининг морфометрик белгиларини ўлчаш-ҳисоблаш ишлари И.Ф.Правдин (1966) қўлланмасида келтирилган схема бўйича амалга оширилди. Меристик ва пластик белгиларини ҳисоблаш ва ўлчаш, дарёдан тутилган балиқларда дала шароитида олиб борилди. Ўлчаш-ҳисоблаш ишлари тугаши билан балиқлар қайта дарёга қўйиб юборилди. Балиқларни ўлчашда электрон датчикли (ўлчаш аниқлиги 0,01 мм) штангенциркулдан фойдаланилди.

Балиқларнинг морфометрик белгиларни статистик таҳлил қилишда ўлчам чегаралари (*Lim.*), ўртача арифметик қиймати (*M*), унинг хатолиги (*m*), ўртача квадратик оғиш ( $\sigma$ ) ва вариация коэффиценти (*Cv*, %) ҳисоблаб чиқилди (Рокицкий, 1967). Морфометрик (пластик), белгиларидаги фарқ даражасини аниқлашда натижаларнинг ишончилиги Студент мезони ёрдамида  $P \leq 0,05$  минимал аҳамиятлилик даражаси билан баҳоланди (Лакин, 1990).

*Glyptosternon oschanini* (Herzenstein, 1889) туридан геном ДНК ажратиш учун (Dneasy Tissue Kit (GeneJET Genomic DNA Purification Kit, Germany) реагентлар тўпламидан фойдаланилди. Филогенетик таҳлил Mega11, RAUP\* 4.0b10 (Swofford, 1998) дастурида амалга оширилди.

Туркистон лаққачасининг ёшини аниқлашда умуртқасидан юпқа кесма тайёрлаб улардаги халқалар саналади (Брюзгин, 1969). Ўсиш ва ўсиш суръати Э. Леанинг формуласи асосида ҳисоблаб чиқилди (Брюзгин, 1969; Чугунова, 1959; Bagliniere, Ombredane, 1990; Francis, 1990; Le Louarn, 1992;). Балиқларнинг семизлигини аниқлашда Фултон ва Кларк томонидан таклиф қилинган формулалардан фойдаланилди (Правдин, 1966; Чугунова, 1959).

Балиқларнинг жинсий вояга етиши, урчиши, кўпайиш биологияси бўйича тадқиқотлар умумий қабул қилинган усулларга асосан олиб борилди (Коблицкая, 1966; Сакун, Буцкая, 1968; Crim, Glebe, 1990;). Балиқларнинг серпуштлигини аниқлашда индивидуал мутлақ серпуштлик (*ИМС* – минг икра), индивидуал нисбий серпуштлик (*ИНС* – икралар/г ички аъзоларсиз тана массаси), етуқлилик коэффиценти (*Ek* %) ҳисоблаб чиқилди (Спановская, Григораш, 1976).

Икки ёки ундан ортиқ тасодифий ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик корреляцион таҳлил методи асосида аниқланди (Гмурман, 2004; Елисева, Юзбашев, 2002; Рокицкий, 1967; Fyorster, Ryons, 1981;). Бир ёки бир нечта мустақил ўзгарувчиларни ( $x_1, x_2, \dots, x_n$ ) боғлиқ ўзгарувчига (*y*) таъсирини аниқлаш учун регрессион таҳлил методидан фойдаланилди (Дрейпер, Смит, 2007; Радченко, 2011; Рокицкий, 1967; Fyorster, Ryons, 1981).

Материалларга вариацион-статистик ишлов бериш Microsoft Excel ва Biostat дастурлари ёрдамида амалга оширилди (Боровиков, Боровиков, 1995; Основы математической статистики, 1990).

Диссертациянинг «Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачасининг морфологик тавсифи, молекуляр-генетик таҳлили, ўсиши ва кўпайиш биологияси» деб номланган учинчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, ушбу бобда Сурхондарё сув ҳавзаларидаги Туркистон лаққачасининг

ташқи морфологияси (морфологик тавсифи, морфометрик белгиларнинг ўзгарувчанлиги), молекуляр-генетик таҳлили, ўсиши ва кўпайиш биологияси (жинсий вояга етиши, урчиши, серпуштлиги) ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Туркистон лаққачаси – *Glyptosternon oschanini* Herzenstein, 1889 Siluriformes туркуми, Sisoridae оиласига мансуб бўлиб Амударё ва Сирдарё ҳавзасининг юқори оқимидаги тоғли дарёларда тарқалган (Берг, 1949; Никольский, 1938; Турдаков, 1963; Аманов, 1985). Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган тур сифатида киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби, 2019).

Тадқиқот натижаларига кўра, туркистон лаққачасини меристик белгиларнинг кўрсаткичлари қуйидагича: елка сузги қанотидаги шуълалар сони – I 6 та, анал сузгич қанотида – III 5 та, кўкрак сузгичидаги шуълалар I 10 ва қорин сузгичидаги шуълалар I 5 та. Биринчи жабра ёйидаги жабра устунчаларининг сони – 10, умумртқалар сони – 33 тани ташкил этди. Бизнинг изланишларимиз натижасида Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачаси ташқи морфологик белгиларнинг кўрсаткичлари адабиётларда (Берг, 1949; Аманов, 1985) келтирилган турга хос меристик белгилар кўрсаткичлари доирасида эканлиги аниқланди.

Туркистон лаққачасининг танаси яланғоч, баланд эмас, унинг энг юқори баландлиги тана узунлигига нисбатан 13,5-19,9 (ўртача 16,84±0,19) фоизни ташкил қилади, танасининг энг кичик қисми эса тана узунлигига нисбатан 6,4-9,3 (ўртача 7,96±0,07) фоизга тўғри келади. Боши ясси, унинг узунлиги тана узунлигининг 20,5-24,6 (23,22±0,16) фоизига тўғри келади. Кўзи кичик, пешона кенлигига бош узунлигининг 45,3-62,9 (49,26±0,54) фоизини, тумшугининг узунлиги эса бош узунлигининг 43,4-56,3 (47,71±0,47) фоизини ташкил этади, тумшугида 4 жуфт мўйлови бор. Танасининг ранги тўқ жигар рангдан-сарғиш жигар ранггача, қорни оч рангда.

Тўполондарёдаги туркистон лаққачаси пластик белгиларидан тана узунлигига нисбатан фақат кўзининг диаметри юқори ўзгарувчанликни намоён этади,  $io$ ,  $H$ ,  $h$ ,  $lA$ ,  $hd$  каби белгилар ўртача, қолган белгилар эса кам ўзгарувчанликка эгадир. Бош узунлигига нисбатан кўзининг диаметри юқори ўзгарувчан, қолган барча белгилар эса ўртача ўзгарувчанликни кўрсатди.

Сангардақдарёдаги туркистон лаққачасида ҳам пластик белгилари бўйича юқори ўзгарувчанлик (тана ва бош узунлигига нисбатан) фақат кўзининг диаметрида намоён бўлади. Ўртача ўзгарувчан белгиларга –  $po$ ,  $b_3$ ,  $H$ ,  $h$ ,  $lA$ ,  $PV$ ,  $hd$  киради, қолган белгилар эса кам ўзгарувчандир. Бош узунлигига нисбатан фақат икки белги –  $po/c$  ва  $io/c$  ўртача ўзгарувчанликни намоён этди.

Хўжаипок дарёсидаги туркистон лаққачасида ҳам худди шундай юқори ўзгарувчанлик фақат кўзининг диаметрида намоён бўлади (тана ва бош узунлигига нисбатан). Ўртача ўзгарувчан белгилар тана узунлигига нисбатан фақатгина иккинчи жуфт пастги жағи мўйловининг узунлиги ( $b_3$ ) ва тананинг баландлигида ( $H$ ) намоён бўлди, қолган аксарият белгилар эса кам ўзгарувчанликни намоён этди. Бош узунлигига нисбатан фақат бошининг баландлиги ўртача ўзгарувчанликни намоён қилди.

Тўполондарё, Сангардақдарё ва Хўжаипок дарёларидаги туркистон лаққачаси пластик белгиларини ўзаро солиштирганимизда фақат Тўполондарё ва Сангардақдарё туркистон лаққачалари ўртасидаги бир белги – қорин ва анал сузгичи оралиғидаги масофада ( $VA$ ) жуда кичик фарқ ( $t = 2,19$ ) қилиши билан ишончилиқ даражасида намоён бўлди. Шу сабабдан кейинги морфометрик таҳлил ишлари бирлаштирилган материалларда олиб борилди.

Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачаси эркак ва урғочиларини ўзаро солиштирганимизда улар орасида балиқ танасининг узунлигига нисбатан 8 белги ( $ao$ ,  $po$ ,  $H$ ,  $lca$ ,  $ID$ ,  $IA$ ,  $IV$ ,  $PV$ ) ва балиқ бошининг узунлигига нисбатан 1 белги ( $ao/c$ ) бўйича фарқлар мавжудлиги аниқланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачасининг жинслараро фарқланиши

Белгилар	Урғочилар		$t_{st}$	Эркаклар	
	$Lim.$	$M \pm m$		$Lim.$	$M \pm m$
$l$ , мм	110-142	123,14±2,10	-	90-150	114,2±2,52
Тана узунлигига нисбатан % ҳисобида					
$ao$	9,8-11,8	10,83±0,10	2,295	9,6-12,5	11,22±0,12
$po$	10,8-13,4	11,75±0,17	3,088	9,7-12,9	11,18±0,10
$H$	15,5-19,8	17,74±0,25	4,461	13,5-19,9	16,21±0,23
$lca$	23,7-25,4	24,39±0,12	2,701	20,9-25,6	23,61±0,22
$ID$	9,2-11,4	9,96±0,13	2,103	8,8-11,4	9,61±0,10
$IA$	6,6-7,8	7,20±0,09	2,262	5,3-9,1	6,85±0,12
$IV$	15,9-20,5	18,18±0,22	3,001	16,0-18,5	17,53±0,10
$PV$	29,6-35,9	33,33±0,34	3,944	25,0-32,7	31,14±0,40
Бош узунлигига нисбатан % ҳисобида					
$ao/c$	43,5-51,2	46,37±0,36	2,462	43,5-56,4	48,65±0,73


**Изоҳ:** Жадвалда фақат белгилар бўйича аниқланган фарқлар келтирилган ( $P \leq 0,05$ ).

Туркистон лаққачаси тана узунлигининг ошиб бориши билан бирга пластик белгиларнинг ўзгаришини аниқлаш мақсадида уларни 2 гуруҳга ажратдик (1-гуруҳ – 90-119 мм, 2-гуруҳ – 25,1-36,0 мм) ва ўзаро солиштирган ҳолда таҳлил қилдик.

Олинган натижалар асосида 1-чи ва 2-чи гуруҳлар ўртасидаги фарқлар тана узунлигига нисбатан  $o$ ,  $po$ ,  $hc$ ,  $io$ ,  $aD$ ,  $pD$ ,  $lca$ ,  $ID$ ,  $IA$ ,  $PV$  каби белгиларда ва бош узунлигига нисбатан кўзининг диаметрида ( $o/c$ ) намоён бўлиши аниқланди.

Турли сув ҳавзаларидаги балиқлар ўртасидаги мавжуд фарқларни аниқлаш мақсадида Сурхондарё ва Шерободдарё ҳавзаларидаги туркистон лаққачаларининг морфометрик белгиларини таққосладик. Солиштириш натижаларига кўра Сурхондарё ҳавзаси туркистон лаққачаси Шерободдарё ҳавзаси лаққачасидан кўз диаметрининг ( $o$ ,  $o/c$ ) катталиги билан ва аксинча кўз орти қисми ( $po$ ), постдорсал масофа ( $pD$ ), дум ўқининг узунлиги ( $lca$ ), ва кўкрак ва қорин сузгичи оралиғидаги масофа ( $PV$ ) каби белгиларнинг кичиклиги билан фарқланиши аниқланди.

Бобнинг 3.2-бўлимида *Glyptosternon* уруғига мансуб *Glyptosternon oschanini* турининг молекуляр генетик таҳлили келтирилган. Олиб борилган молекуляр-генетик тадқиқотлар натижаси (сиквенс хроматографияси) асосида *G. oschanini* турининг мтДНК сини COI соҳасига мансуб узунлиги 682 жуфт асосга эга бўлган нуклеотидлар ажратиб олинди ҳамда халқаро биоинформатик ахборотлар (<https://blast.ncbi.nlm.nih.gov>) марказида мавжуд турлар билан солиштирилиб филогенетик алоқалари ўрганилди (1-расм).



### 1-расм. *Glyptosternon* уруғи вакиллариининг филогенетик шажара дарахти

Митохондриял COI гени кетма-кетликлари асосида қурилган филогенетик дарахт таҳлили асосида тадқиқ қилинган *Glyptosternon* уруғи вакилларида учта асосий ва ишончли кластер аниқланди.

Учала кластер учун қайд этилган юқори боотстрап қийматлари (98%, 94% ва 94%) филогенетик реконструкциянинг ишончилигини ҳамда дарахт топологиясининг тасодифий самплинг хатолигига сезгир эмаслигини кўрсатади. Оутгрупп сифатида қўлланилган *G. andersonii* (JQ859842) асосий кластерлардан ташқарида жойлашиб, дарахтни илдизлантириш (rooting) ва ингрупп таксонлар орасидаги филогенетик дивергенцияни баҳолаш учун оптимал модел организм вазифасини бажарди.

Бобнинг 3.3-бўлимида Туркистон лаққачасининг ўсиши ва кўпайиш биологияси ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Бизнинг намуналарда Сурхондарё сув ҳавзаларида туркистон лаққачаси танасининг узунлиги 65-150 ( $112,86 \pm 2,35$ ;  $Cv = 15,55\%$ ) мм ва вазни 2,3-40,5 ( $23,85 \pm 1,26$ ;  $Cv = 39,63\%$ ) г ни ташкил қилди.

Тўполондарёдаги туркистон лаққачаси танасининг узунлиги 1+ ёшда 65-80 (ўртача 72,5) мм ва вазни 2,3-5,5 (3,9) г ни, 2+ ёшдагиси мос равишда 90-120 (107,0) мм, 10,3-30,1 (22,7) г, 3+ ёшдагиси 124-135 (129,6) мм, 31,6-37,3 (35,0) г,

4+ ёшдагиси 140-150 (144,0) мм, 38,1-40,5 (39,1) г ни ташкил қилди. Семизлик коэффиценти Фултон бўйича 0,84 дан 2,06 гача, Кларк бўйича эса 0,44 дан 1,72 гача бўлиши аниқланди.

Сангардақдарёдаги туркистон лақачаси танасининг узунлиги 1+ ёшда 81 мм ва вазни 5,6 г ни, 2+ ёшдагиси 92-119 (109,0) мм, 10,1-26,1 (20,7) г, 3+ ёшдагиси 119-128 (124,2) мм, 25,5-36,1 (30,6) г, 4+ ёшдагиси 131-140 (135,5) мм, 36,1-37,9 (37,0) г ни ташкил қилди. Семизлик коэффиценти Фултон бўйича 1,30 дан 1,96 гача, Кларк бўйича эса 1,05 дан 1,62 гача бўлиши аниқланди.

Хўжаипок дарёсидаги туркистон лақачаси танасининг узунлиги 1+ ёшда 74-90 (82,3) мм, вазни 3,6-16,5 (8,6) г ни, 2+ ёшдагиси 95-118 (108,0) мм, 17,1-24,2 (20,2) г, 3+ ёшдагиси 120-130 (124,8) мм, 25,5-34,7 (28,4) г, 4+ ёшдагиси эса 130 мм, 34,7 г ни ташкил қилди. Семизлик коэффиценти Фултон бўйича 0,89 дан 2,26 гача, Кларк бўйича эса 0,57 дан 1,92 гача бўлиши аниқланди.

Сурхондарё сув ҳавзаларида туркистон лақачаси 1+2+ ёшда анча тез ўсади, 3+ ёшдан бошлаб ўсиш тезлиги бир мунча пасайди яъни балиқларнинг жинсий вояга етиш давригача ошиб боради, кейин эса аста пасая бошлайди.

Корреляцион ва регрессион таҳлил натижаларига кўра, Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лақачасининг ёши, тана узунлиги ва вазнининг ўртасида ўзаро кучли боғлиқлик мавжудлиги, боғлиқлик даражасининг корреляция коэффиценти 0,849-0,987 га тенглиги ва боғлиқлик  $P < 0,05$  даражасида аҳамиятли эканлиги аниқланди (2-расм).

Тўполондарё, Сангардақдарё ва Хўжаипок дарёларидаги туркистон лақачаси тана узунлиги 90-100 мм бўлганда жинсий жиҳатдан етилади. Сурхондарё сув ҳавзаларида урчиш даври олдидан туркистон лақачаси жинсий маҳсулотларининг етуклик даражаси 7,3-13,8 фоизни ташкил қилади, икралари нисбатан каттароқ, диаметр 2,2-2,8 мм тенгдир.



**2-расм. Сангардақдарёдаги туркистон лақачаси танаси узунлигининг вазни билан ўзаро боғлиқлиги**

Туркистон лақачасининг мутлақ серпущлиги Тўполондарёда балиқ узунлиги 100-135 (ўртача  $117,83 \pm 3,45$ ) мм бўлганда 204-642 ( $388,12 \pm 39,35$ )

икрани ташкил қилади. Сангардақдарёда узунлиги 98-128 (114,81±2.18) мм бўлган балиқларда 126-522 (302,35±30,45) икрани, Хўжаипок дарёсида эса узунлиги 90-126 (111,40±2,91) мм бўлган лаққачаларда 111-401 (235,28±23,50) икрани ташкил қилиши ҳамда Тўполондарёдаги лаққачалар Сангардақдарё ва Хўжаипок дарёларидаги лаққачаларга нисбатан серпуштлироқ эканлиги аниқланди (2-жадвал).


## 2-жадвал

### Сурхондарё сув ҳавзаларидаги туркистон лаққачаси урғочиларининг репродуктив кўрсаткичлари

<i>l, мм</i>	<i>Q, г</i>	<i>ИМС</i>	<i>ИНС</i>	<i>Ек, %</i>	<i>d, мм</i>	<i>n</i>
Тўполондарё						
$\frac{100 - 135}{117,83}$	$\frac{19,1 - 37,3}{28,90}$	$\frac{204 - 642}{388,12}$	$\frac{12,1 - 20,5}{15,48}$	$\frac{8,3 - 13,7}{11,10}$	$\frac{2,2 - 2,8}{2,45}$	12
Сангардақдарё						
$\frac{98 - 128}{114,81}$	$\frac{17,3 - 36,1}{25,54}$	$\frac{126 - 522}{302,35}$	$\frac{8,5 - 17,6}{13,47}$	$\frac{7,5 - 13,8}{10,17}$	$\frac{2,2 - 2,6}{2,35}$	16
Хўжаипок дарёси						
$\frac{90 - 126}{111,40}$	$\frac{16,5 - 30,2}{21,81}$	$\frac{111 - 401}{235,28}$	$\frac{8,0 - 19,0}{12,48}$	$\frac{7,3 - 13,0}{9,82}$	$\frac{2,2 - 2,5}{2,33}$	15


Корреляцион ва регрессион таҳлил натижаларига кўра, туркистон лаққачасининг индивидуал мутлақ серпуштлиги урғочи танасининг узунлиги ва вазнининг ортиши билан ошиб бориши кузатилди (3-расм).

Индивидуал мутлақ серпуштлик балиқнинг тана ўлчамларига (узунлиги ва вазнига) боғлиқлик шакли регрессиянинг қуйидаги тенгламаси билан ифодаланади – Тўполондарёдаги туркистон лаққачаси учун:  $ИМС = 6E-05 \times l^{3,2878}$  ( $r = 0,960$ );  $ИМС = 20,788 \times Q - 212,66$  ( $r = 0,941$ ). Сангардақдарёдаги туркистон лаққачаси учун:  $ИМС = 1E-07 \times l^{4,5863}$  ( $r = 0,799$ );  $ИМС = 17,843 \times Q - 153,32$  ( $r = 0,926$ ). Хўжаипок дарёсидаги туркистон лаққачаси учун:  $ИМС = 6E-06 \times l^{3,7139}$  ( $r = 0,956$ );  $ИМС = 20,842 \times Q - 219,21$  ( $r = 0,923$ ).



3-расм. Сангардақдарёдаги туркистон лаққачаси индивидуал мутлақ серпуштлигининг балиқ вазни билан ўзаро боғлиқлиги

